

АСАКАДА ИСЛОМ КАРИМОВ ЁДГОРЛИК МАЖМУАСИ ОЧИЛДИ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING
BIRINCHI PREZIDENTI
ISLOM ABDUGANIEVICH KARIMOV
NOMIDAGI ASAKA AVTOMOBIL ZAVODI



ASAKA AUTOMOBILE PLANT
NAMED AFTER THE FIRST PRESIDENT
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
ISLAM ABDUGANIEVICH KARIMOV

1938 - 2016

Конституциямиз қабул қилинганнинг 25 йиллиги арафасида Асакадаги «GM Uzbekistan» акциядорлик жамиятида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, мамлакатимиз автомобилсозлик саноати асосчиси Ислам Каримовнинг ёдгорлик мажмуаси очилди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 25 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Абдуганиевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида барпо этилган ёдгорлик мажмуаси очилишида давлат ва жамоат ташкилотлари, «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ва унинг тизимидаги корхоналар раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари, «GM Uzbekistan» акциядорлик жамияти ходимлари иштирок этди.

Мустақиллигимиз асосчиси, буюк сиёсатчи ва давлат арбоби Биринчи Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида мамлакатимизни тараққий эттириш, халқимиз маънавияти, турмуш фаровонлигини юксалтириш, бунёдкорлик борасида асрларга таътигулик ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Айниқса, Биринчи

Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида юртимизда автомобилсозлик саноати шаклланиши, Ўзбекистон автомобиль ишлаб чиқарувчи жаҳондаги санокли давлатлар қаторидан ўрин олгани фахр билан қайд этилди.

— Биринчи Президентимиз ташаббуси билан 1996 йилда Асакада ишга туширилган автомобиль заводидида дастлаб уч русумдаги машина ишлаб чиқарилган бўлса, бугунги кунда 11 русумли замонавий автомобиллар тайёрланмоқда, — дейди «GM Uzbekistan» акциядорлик жамияти бош директори вазифасини бажарувчи Р.Ражабов. — Тўла қувват билан иш олиб бораётган заводимизда йилга 200 мингта турли русумли автомобиль ишлаб чиқарилмоқда.

Айни пайтда Ислам Каримов номи билан аталувчи Асака автомобиль заводидида 10 мингдан ортиқ ишчи меҳнат қилаётди. Заводда ўтган давр мобайнида 2 миллион 700 мингдан зиёд автомобиль ишлаб чиқарилди. Бугунги кунга келиб корхона автомобиллари жаҳоннинг 10 дан ортиқ мамлакатига экспорт қилинмоқда.

— Завод қурилиши бошлангандан буюн шу ерда ишлайман, — дейди «GM Uzbekistan» акциядорлик

жамияти йигирув цехи смена устаси, «Меҳнат шухрати» ордени соҳиби Дилшодбек Муллажонов. — Ўша пайтларни яхши эслаيمان, Биринчи Президентимиз Ислам Каримов завод қурилишига бош-қош бўлган, Асакага тез-тез келиб, қурилиш жараёни билан бевосита танишар, ишларни жадаллаштириш юзасидан зарур топшириқлар берар эди. Ўша пайтда у кишидаги шижоат, жонбозликни, айниқса, эл-юрт учун фидойиликни кўриб, биз ҳам астойдил меҳнат қилишга интилардик. Бугун ана шу тарихий жараёнда қатнашиб, юртимиз автомобилсозлигининг юраги бўлган ушбу заводда ишлаётганимдан фахрланаман. Мана шундай улғувор ишлар ташаббускори Ислам Каримов хотираси қалбларимизда ҳамisha барҳаётдир.

Тадбирда иштирокчилар томонидан ёдгорлик мажмуасига гулчамбарлар қўйилди. Улар корхонада ташкил этилган Ислам Каримов музейидан ўрин олган экспонатлар билан танишди.

Тадбирда Андижон вилояти ҳокими Ш.Абдурахмонов сўзга чикди.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎзА мухбири.



Сурхондарё вилояти

«АГРОХИЗМАТ ШИНДОНГ»

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

Ватандошларимизни Ўзбекистон
Республикаси Конституцияси қабул
қилинган кун билан қутлайдим!



«Ипотека-банк» жамоаси

барча юртдошларимизни
Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
қабул қилинганнинг 25 йиллик байрами билан
самимий муборакбод этади!



10 yil
InfinBANK

8 Декабрь –

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

АТБ «InFinBank» жамоаси
бутун Ўзбекистон
халқини ушбу байрам
билан чин қалбдан
муборакбод этади!

Қалбингиз муҳаббат,
эзгулик ва бахтга тўлсин,
ҳар бир кун янги-янги
ютуқлар келтирсин!

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Saidkamil XODJAYEV

Muslihidin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 233-38-55, 233-47-80

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1238

8762

nuxxada

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 04:00

Topshirilgan vaqti — 05:30

Sotuvda kelishiigan narxda

Navbatchi:

Ravshan SHODIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 5 6